

ЗООАНТРОПАНОЗ ИНВАЗИОН КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЦЕНУРОЗНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

Газнакулов Тоғжигул Киличевич - в.ф.н., катта илмий ходим

Аминжонов Шерзод Миравосович - в.ф.д., катта илмий ходим

Ветеринария илмий тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада қўйларнинг паразитар “ценуроз” касалликлари тўғрисида йиллар давомида келтирилган патологик материалларни текшириш натижалари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: ценуроз, Мултцепс- мултцепс, ценуроз церебралис.

Мавзунинг долзарблиги. Инвазион касаликлардан ценуроз - паразитар касаллик бўлиб ҳайвонларда ҳамда одамлар нерв системасига таъсир этади ва оқибат бош миёда ценур пуфагини ҳосил қилиши билан организмнинг асаб системасини ишдан чиқаради ва ўлим билан якунланади.

Ценуроз касаллиги Республикамиз ҳудудида кенг тарқалган зооноз касаликлардан бири бўлиб, у чорвачиликда, айниқса қўйчиликда катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Ценуроз касалигидан қўйларнинг 60-70% нобуд бўлади, қолганлари мажбурий сўйилади. Мажбурий сўйилган қўзиларнинг тирик вазни 13-15 кг дан ошмайди, ҳайвонлар ўрта семизликдан паст ёки ориқ ҳолатда бўлади. Касалликни *Multiceps multiceps* (Leske, 1780 ;Hall 1910) гижжа личинкаси *Coenurus cerebralis* кўзғатади. Чорвадорлар орасида бу касаллик айлангич, тентак ва ҳоказо маҳаллий номлар билан аталади. Ценуроз касаллиги ҳайвонлардан ташқари одамларда ҳам учрайди. Ўзбекистонда касалликни одамларда биринчилардан бўлиб В.М.Содиқов ва С.Д.Мадиевлар (1964) ўрганишган.

Касалликнинг кўзгатувчиси қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг миёсида паразитлик қилиши сабабли идора этиш фаоляти бузилади. Касал ҳайвон бир жойда туриб айланади, югуради, бошини пастга қўйиб эгганича бирор тўсиққа урилганга қадар югиришда давом этади, иштаҳаси пасаяди, ориқлайди, қисқа вақт ичида бутунлай ҳолсизланиб ётган жойидан тура олмай қолади ва оқибатда нобуд бўлади, ёки мажбуран сўйиб юборилади. Ценурозга чалинган қўзиларнинг тахминан 60% нобуд бўлса, 40% мажбурий сўйилади. Мажбуран сўйилган қўзиларнинг гўштининг сифати аксарият ҳолларда ўта паст ва истемол учун яроқсиз бўлади.

Гижжа касалликлари орасида ценуроз ҳар томонлама чуқур ўрганилган бўлиб, республикамиз миқёсида унинг келиб чиқиш сабаблари, кечиш

хусусятлари клиникаси организмдаги салбий таъсири, иммунитет ҳолати, иктисодий зарари, батафсил тадқиқ этилган, касалликка қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Айниқса, ценурозни тарқатувчиси ҳисобланган итларни гижжасизлантириш тартиблари на схемалари ишлаб чиқилган бўлиб, касалликка қарши кураш тадбирлари мунтазам равишда олиб борилади. Ценуроз инвазиясига қарши курашишда зарарланган ҳайвонларнинг каллаларини итларга едирилмасдан, зарарсизлантириб ва қўйдириб йўқотилиши яхши самара бермоқда.

Ўзбекистон шароитида қўй ценуроzi ва унинг тарқатувчиси ҳисобланган итлар илмий назоратдан четда эмас. Бизнинг тадқиқотларимизда итларнинг мултицепслар билан зарарланишида минтақалараро тафовутлар борлигини кузатдик чунончи, бундай зарарланиш тоғ ва тоғ олди минтақада итларнинг зарарланиши 34,25% га чўл-биёбон минтақасида 32,18 % га, суғориладиган минтақада 27,64% га тенг эди. Бухоро вилоятининг қоракўлчилик хўжаликлари билан чегарадош, бу соҳа ривожланган қишлоқларда мавжуд 4090 та итни текширган уларнинг 969 та сида ёки 23,6 % да мултицепсларни кузатди. Муаллиф (1998) Самарқанд вилоятининг Нуробод туман хўжаликларидаги 769 бош қишлоқ итларини текширганда 96 тасида мултицепсларни кузатдик. Навоий вилоятининг Хатирчи туманида 696 та итдан паразит билан 111 таси ёки 16.3 % зарарланганлиги қайд этди.

Тахлил натижаларидан маълум бўлдики қоракўлчилик хўжаликларида ценуроз касаллигининг тарқалишига кўпинча хўжаликлар ҳудудларида жойлашган ва аулларга чегарадош қишлоқларнинг итлари сабабчидир. Чунки бу итлар сурув итларига ўхшаш мунтазам гижжасизлантирилмайди мултицепсларнинг тухумларини яйлов ва сувларга тарқалишига ва қўйларнинг зарарланишини учун доимий манъба бўлиб хизмат қилади. ВИТИ Гельминтозооноз лабораторияси тадқиқотчилари томонидан ценуроз касаллигига қарши курашишда бир қатор жуда муҳим тадбирлар таклиф қилинган ва улар ишлаб чиқаришда қўланилган. Бу махсус тадбирлар отардаги чўпон итларининг сонини камайтириш, фақат эркак итларни сақлаш, дайди эгасиз итларни йўқотиш, қолганларини режали равишда гижжасизлантириб бориш, касал қўйларни кушхоналарда сўйиш, зарарланган қўйларни каллаларини зарарсизлантириш билан қўйлар орасида ценурознинг олдини олишдан иборат.

Қўлланилаётган тадбирлар натижасида қўйчилик хўжаликларида ценуроздан маълум даражада соғломлаштирилади. Лекин бу ижобий натижалар вақтинчалик ҳарактерга эга бўлиб, касаллик аввал бартараф этилган ҳудудларда қайтадан пайдо бўлиш оқибатида хўжаликлар иктисодига зарар етказмоқда. Чунки, касаллик тугатилган хўжаликларда унинг қайтадан пайдо бўлишининг

сабаби, бизнинг фикримизча ўтказилган тадбирлар вақтида олиб борилмаслиги қўлланилган антигельминт воситалар ценуроз кўзғатувчисига таъсир этмаслиги оқибатида узоқ самара бермаслигидир.

Хулоса. Ценуроз касаллигига қарши курашишда чўпон ва аҳоли итларини режали равишда гижжасизлантириб бориш, мажбурий сўйиладиган ҳайвонлар фақатгина қушхоналарда сўйилиши, зарарланган қўйларнинг каллаларини зарарсизлантириш билан қўйлар орасида касалликнинг олдини олишига олиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аминжанов М. К изучению ценуроза овец в Узбекистане // Труды УЗНИВИ «Профилактика и меры борьбы с болезнями с./ х. животных в Узбекистане». 1993. С. 3-8
2. Аминжанов М. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва одамларнинг умумий гельминтоз касалликлари ва уларга қарши янги дори ва усулларини тадбиқ этиш. Ўзбекистон дехкончилик саноат мажмуининг илмий таминоти. 2 жилд, 391-394, УзКХФФ, 1995
3. Аминжанов М. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ценуроз ва эхинноккоз касалликларини тарқалишида итларнинг роли. Организм ва мухит. Илмий топлам. Ўзбекистон ФА Зоология институти, 52-53, 1995.
4. Иргашев И.Х. Опыт оздоровления овец в совхозе Карнаб. По материалам научной конференции ВОЗ: Ветеринария.-1996. №2 стр 94
5. Матчонов Н.М. Организация борьбы с ценурозом животных масштабе республики и опыт ликвидации этого заболевания на территории Бухарской области: Дисс ... докт. Вест.наук.-ВИГИС-М-1969В
6. Газнакулов Т.К. О ценурозе овец. Veterinarioua meditsinasi jurnnali 2023. №: 9 Б 14-17.
7. Аминжонов, Ш., & Газнакулов, Т. (2023). Препараты для профилактики и лечения ценуроза каракульских овец. *in Library*, 4(4), 336-340.
8. Аминжонов, Ш. М., & Газнакулов, Т. К. (2023). Научно-исследовательский институт ветеринарии, Тайляк, Узбекистан В статье приведены данные по профилактике ценуроза каракульских овец для создания способов получения биосовместимых, безвредных и экологически безопасных антигельминтных средств растительного происхождения. Ключевые слова. ценуроз, антигельминтики, патенты, вакцины, растения, препараты. *ББК 1 А28*, 23.
9. Аминжонов, Ш. М., & Газнакулов, Т. К. (2023). ПРОФИЛАКТИКА ЦЕНУРОЗА КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ. In *Advances in Science and Technology* (pp. 23-26).

10. Аминжонов, Ш. М., & Довгий, Ю. Изучение ларвоцисты *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) в организме у промежуточных хозяев. *Вестник житомирского национального агроэкологического университета*, (1), 7-10.
11. Аминжонов, Ш. М. (2011). Қўйлар эхинококкоз касаллигига қарши вакцинани гематологик текшириш. *Зооветеринария.–Тошкент*, (8), 17-19.
12. Аминжонов, Ш. М., & Аминжонов, М. А. (2009). Эхинококкознинг иқтисодий ва ижтимоий зарари. *Ж. ” Зооветеринария*, 7.
13. Аминжонов, Ш. М. (2018). Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш. *Вет. фан. док... дисс. автореф.–Самарқанд: СамВМИ*, 22.
14. Аминжонов, Ш. (2010). Роль дегельминтизации собак при цестодозах. *in Library*, 3(3), 29-30.
15. Аминжонов, Ш., & Аликулов, З. (2023). Роль собак в распространении цистицеркоза овец. *in Library*, 4(4), 62-64.
16. Аминжонов, Ш., & Аликулов, З. (2023). Заражение овец основными цестодами. *in Library*, 3(3), 11-13.
17. Аминжонов, Ш. М., & Аликулов, З. И. (2023). Цистицеркоз и его распространение среди овец.
18. Аминжонов, Ш. (2016). Меры борьбы с эхинококком и ценурозом животных в Узбекистане. *in Library*, 16(4), 58-62.
19. Aminjonov, S. M. (2016). MEASURES AGAINST ECHINOCOCCUS AND COENUROSIS OF ANIMALS IN UZBEKISTAN. *Путь науки*, 1(11), 58-62.
20. Аминжонов, Ш., & Довгий, Ю. (2012). Изучение строения ларвоцисты *Echinococcus granulosus* (Batsch 1786) в организме промежуточных хозяев. *in Library*, 12(3), 7-10.
21. Аминжонов, Ш., Аминжонов, М., Довгий, Ю., & Драгальчук, А. (2012). Морфология личиночной формы *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786). *in Library*, 1(1), 3-6.
22. Аминжонов, Ш. (2012). Некоторые наблюдения по вакцинации собак против эхинококкоза. *in Library*, 1(1), 27-29.
23. Аминжонов, Ш. (2011). Гематологическая оценка эхинококкозовой вакцины овец. *in Library*, 3(3), 17-19.
24. Аминжонов, Ш. (2011). Распространение цист эхинококкоза у овец. *in Library*, 1(1), 26-26.
25. Аминжонов, Ш. (2011). Иммуногенность вакцины против эхинококкоза овец. *in Library*, 3(3), 20-25.

26. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2011). Развитие ларвакисты *Echinococcus granulosus* в организмах промежуточного хозяина. *in Library*, 3(3), 3-20.
27. Аминжонов, Ш. (2010). Особенности дегельминтизации собак при цестодозах. *in Library*, 3(3), 93-98.
28. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2009). Эхинококкос. *in Library*, 2(2), 18-19.
29. Аминжонов, Ш. (2009). Об эхинококкозе лошадей. *in Library*, 4(4).
30. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2005). Инфекционные болезни животных и вакцины против них. *in Library*, 2(2), 32-35.
31. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2005). Иммуногенность эхинококковой вакцины овец. *in Library*, 2(2), 32-35.
32. Ата-Курбанов, Ш. Б., Ата-Курбанов, А. Э., Алимова, Г. Н., Аминжонов, М., & Аминжонов, Ш. “Бионорм” ва “биостимулин” комплекс биопрепаратларнинг қуйларни қайта урчитиш фаолиятига таъсири.
33. Газнакулов, Т. К., Орипов, А. О., Сафаров, А. А., Хушназаров, А. Х., Давлатов, Р. Б., Абдухакимов, Ш., & Мавланов, С. (2023). ХС Салимов, МК Бутаев, ЗЭ Рузиев,—Биохавфсизлик.
34. Газнакулов, Т. К., Орипов, А. О., Сафаров, А. А., Хушназаров, А. Х., Давлатов, Р. Б., & Абдухакимов, Ш. & Мавланов, С.(2023). ХС Салимов, МК Бутаев, ЗЭ Рузиев,—Биохавфсизлик.
35. Газнакулов, Т., & Хушназаров, А. (2023). Литературный обзор по истории развития эпизоотологии и изучения бешенства. *in Library*, 1(2), 7-9.
36. Газнакулов, Т., & Алламуродова, М. (2023). Болезнь ньюкасла и иммунная активность у птицы результаты при gatr (реакция окончания гемагглютинации). *in Library*, 3(3), 29-31.
37. Газнакулов, Т., Салимов, Х., & Шапулатова, З. (2022). Результаты исследования активности биопрепаратов вакцин, используемых для вакцинации против болезни ньюкасла. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(1), 253-257.
38. Салимов, Х. С. (2022). НЬЮКАСЛ КАСАЛИГИГА ҚАРШИ ЭМЛАШГА ИШЛАТИЛАЁТГАН ВАКЦИНАЛАРНИ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ Газнакулов ТҚ. *ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ 1-қисм*, 253.